

МУСИҚАЛИ ТЕАТР САНЪАТИДА ТРАНСФОРМАЦИЯ: ҚАДРИЯТ ВА ЗАМОН

Ярбеков Эрназар Холмирзаевич – профессор в.в.б

yarbekovernazar@mail.com

ЎзДСМИ “Муסיқали театр санъати” кафедраси

МУЗЫКАЛЬНЫЙ ТЕАТР: ЦЕННОСТЬ И ВРЕМЯ

Э.Х.Ярбеков – и.о.профессора

Кафедры «Искусства музыкального театра»

Государственного института искусств и культуры

MUSICAL THEATER: VALUE AND TIME

E.Kh.Yarbekov – acting professor of the department of "Arts of Musical Theatre"

State Institute of Arts and Culture of Uzbekistan.

Таянч сўзлар: актёрлик санъати, ҳатти-ҳаракат, масхарабозлар, режиссёр, кечинма санъат, тақлид, роль, ижро, томошабин, пластика.

Резюме. Бугунги кунда театр санъатининг барча турлари қатори, муסיқали театр санъати олдида ҳам бўлажак актёрларни ўқитишни янги босқичга олиб чиқиш масаласи кўндаланг турибди. Бу масалада фикр алмашиш, ўтмиш қадриятларини унутмаган ҳолда, мутахассис тайёрлашга илмий- амалий ёндашувларни излаш, бу йўлда хориж тажрибасини ҳам қўллаш муҳим аҳамиятга эга. Мақолада шу ҳақда фикр юритилади.

Ключевые слова: актёрское искусство, действие, режиссёр, переживание, подражание, роль, исполнение, зритель, пластика.

Резюме. В настоящее время, наряду со всеми видами театрального искусства, вопрос о том, как вывести обучение будущих актеров в области музыкального театра на новый уровень, стоит на повестке дня. В этом вопросе важно обмениваться мнениями, не забывая о ценностях прошлого, искать научно-практические подходы к подготовке специалистов и использовать зарубежный опыт. В статье рассматриваются эти аспекты.

Key words: acting, action, director, experience, imitation, role, performance, spectator, plastic.

Summary. Currently, along with all types of theatrical art, the question of how to bring the training of future actors in the field of musical theater to a new level is on the agenda. In this regard, it is important to exchange opinions, not forgetting the values of the past, to seek scientific and practical approaches to training specialists and to use foreign experience. The article discusses these aspects.

Бугунги кунда давлат ва жамият курилишида, турмушимизнинг барча жабҳаларида чуқур ўзгаришлар, сифат жиҳатидан янги, тўлақонли қайта шаклланишлар жараёни кечаётган бир даврда ўзининг анъанавий тарихига эга бўлган ўзбек муסיқали театрида ҳам ана шундай трансформация жараёнларини амалга ошириш вақти келди, деб ўйлаймиз. Чунки, ўз даврида ўзбек муסיқали театрининг пойдевори саналмиш анъанавий томоша театри, халқ ва мақом муסיқаси, дoston ижрочилиги - бахшичилик санъати, хофизлик, созандалик ва рақс санъати ҳам жуда қадим замонлардан тадрижий ривожланиб, трансформация жараёнларини ўз бошидан ўтказиб келган. Юртимизга Европача театр усули кириб келгач, ўзбек театр санъатида дунёнинг ҳеч бир ерида учрамайдиган муסיқали театр санъати пайдо бўлди ва у халқимиз орасида энг сеvimли санъат турларидан бирига айланди. Бу жараёнга

озарбайжондан кириб келган муסיқали драма ва комедия жанри ҳам маълум даражада туртки берди. Шу тариқа биринчи ўзбек муסיқали драмаси намуналари бўлмиш “Ҳалима”, “Тоҳир ва Зухра”, “Лайли ва Мажнун”, “Фарҳод ва Ширин”, “Нурхон” сингари қатор мумтоз сахна асарлари пайдо бўлди. Ана шу - ўз қадриятларига эга бўлган муסיқали театрни ривожлантириш, унинг трансформация жараёнини йўқотишларсиз амалга ошириш ва замон билан ҳамнафас ижодий жамоани шакллантириш учун нима қилиш керак, деган савол туғилиши табиий. Бу саволга жавобни театр мактабида ўқитишдан, бўлажак актёрларни нафақат амалий, шунинг баробарида, назарий жиҳатдан пухта тайёрлаш жараёнидан излашимиз керак. Афсуски, биз бунга кўп ҳолларда эътиборсиз бўламиз. Ваҳоланки, уй қурмоқчи бўлган уста ҳам маълум бир вазифаларни режа қилиб олади. Қачон,

кандай ишни бажариши, қай усул билан амалга ошириши кераклиги борасида фикрий иш олиб боради. Яъни, қурилишнинг назарий асосларни ўзига синдириб, фикрида аниқ режа шаклланди, уни амалда қўллаш бошлайди. Актёрлик мактабига ўқитишда ҳам шу каби жараён зарур. Ижодкор ўзи бажараётган ишни – рол ўйнашни *назарий* жиҳатдан пухта билган ҳолда амалга ошириши зарур. Чунки назарий билим актёрга ҳеч қачон зарар қилмайди. Аксинча, уни фикрлашга, мулоҳаза қилишга ўргатади. Яна бошқа бир жиҳати борки, у ҳам бўлса - интеллект масаласи. Талаба – актёрнинг дунёқараши кенгайди. Унинг мустақил ишлаш олиш қобилияти ўсади. Саҳнавий ва экран жозибаси пайдо бўлади. Бугунги кунда “”муסיқали театр актёрлиги йўналишини тамомлаган кўплаб ёшлар иқтидорли-ю, негадир бадий фильмларга таклиф этилишмайди”, деган қарашлар мавжуд. Нега Раззоқ Ҳамроев, Лутфихоним Саримсоқова, Ҳамза Умаров, Бахтиёр Ихтиёров сингари муסיқали театр дарғаларининг давомчилари йўқ?.. Чунки улар том маънода билимли бўлишган. Улар драматик театр актёрларидан ортида қолишмаган. Чунки драматик театр актёрлари касбнинг назарий жиҳатларига, кўп китоб ўқишга эътиборли бўлишади. Буни тан олиш керак. Юқорида номлари қайд этилган муסיқали театр дарғаларида ҳам ана шу хислатлар мавжуд бўлган. Шунинг учун ҳам улар театр санъати билан бирга кино санъатида ҳам салмоқли ўринга эга бўлишган. Бир мисол: Ҳамза Умаровнинг кино ва дубляж санъатидаги ўлмас ишларидан ташқари, Учкун Назаровнинг “Ойна” пьесаси асосида суръатга олинган телеспектаклда бош ролни моҳирона ижро этгани, унинг партнёрлари драматик театрнинг дарғалари бўлишига қарамай, Ҳамза Умаров ўзининг ўқимишли, билимли актёр эканлигини, партнёрларидан устун бўлса – устун-ку, кам эмаслигини амалда исботлаган. Раззоқ Ҳамроев, Бахтиёр Ихтиёров ва муסיқали театрнинг бошқа кўплаб актёрлари ҳақида ҳам шу фикрни айтишимиз мумкин. Нега бугун уларнинг издошлари йўқ ҳисоб. Аччиқ бўлса ҳам, ҳақиқатни тан олишимиз керак. Айбни, айб эмас, сабабни ўзимиздан қидиришимиз керак. Демак, биз бугунги муסיқали театр актёрларини “ярим тайёр маҳсулот” шаклида ўқитаяпмиз. Бу аянчли ҳол.

Шунинг учун ҳам талабаларимиз элементлар, мактаб асослари, асар таҳлили ҳақида, ҳатто, ўз фикрларини билдиришга ҳам нўноклик қилишади. Шунинг учун ҳам бугунги муסיқали театр актёрлари саҳнада фикрламайди, тайёр сўзни айтиб беришади холос. Бундай “ярим тайёр актёрлар” билан ишлаш, спектакллар саҳналаштириш режиссёрлар учун қизиқарсиз.

Агар жаҳон театр санъати тарихига назар ташласак, актёрлик санъатининг *назарияси* ҳақидаги илк қарашлар Шекспир даврига тўғри келиши мумкин. Европа театрлари, айниқса, рус театри намояндалари томонидан театр санъати, актёрлик маҳоратига ўқитиш методикасининг назарий асослари тинимсиз изланишлар туфайли янгилашиб, ривожланиб бормоқда.

Энди анъанавий ўзбек театри актёрлиги тушунчасига мурожаат қиладиган бўлсак, “...унинг тарихи халқ турмуш тарзи ва маданий ҳаётида томоша ва таклид қилишга оид унсурлардан тортиб, асрлар давомида шаклланиб, яшаб келган масҳарабоз, қизиқчилар ва кўғирчоқбозлик санъати билан боғлиқ”. [1]

Хўш, биз салкам ўша даражада қолиб кетмаяпмизми? Тўғри, қадриятлар керак. Лекин уни ривожлантириш, замон талабига жавоб берадиган ҳолатга олиб чиқишимиз лозим эмасми?! Бунинг учун нима қилишимиз керак? Бунинг илдизи, юқорида айтганимиздек, театр санъатидаги ўқитишнинг бошланғич жараёнларидан талабаларни нафақат амалий, балки назарий жиҳатдан ҳам қуроллантиришга эътибор қаратишдадир. Чунки йигирманчи аср бошларидан бизга кириб келган европача театр туфайли, актёр ва режиссёрларни ўқитишда рус театр мактаби, “кечинма санъат” га асос бўлувчи Станиславский системаси танланди. Рус театри мактаби эса бир жойда тўхтаб қолмади. Вақт ўтиб ана шу системани янада мукамал қилиш борасида унинг давомчилари томонидан изланишлар олиб борилди ва “Товстоногов системаси” деган тушунча ва методология пайдо бўлди. Станиславский ҳам, Товстоногов ҳам талабаларга амалий ишни назарий жиҳатлари билан қўшиб, параллел тушунтиришни тавсия қилганлар. Лекин Станиславскийнинг назарияни тушунтириши бирмунча узун ва мураккаброқ бўлса, Товстоногов қисқа, аниқ ва исбот талаб қилмайдиган шаклни таклиф этди.

Ҳозирги кунда томошабинни ўзига тортадиган, драматургия, режиссура нуқтаи - назаридан бадиий юксак спектакллар афсуски кам. Фақатгина маиший мавзулардаги, асосан касса мақсадларини кўзлаган, асарлар кўзга ташланмоқда. Театр, Бехбудий айтганидек, ибратхонага эмас, оддий томошахонага айланиб қолиш ҳолатлари мавжуд.

Муסיқали театр актёрини тарбиялашдаги муаммолардан яна бири – актёр танасининг пластикаси устида ишлаш. Агар муסיқали театр актёрини тайёрлаш жараёнида ана шундай тана эгилувчанлиги, актёр пластикасини шакллантириб берувчи фанлар бўлмиш рақс, сахна ҳаракати ва пластика дарсларига талабаларнинг, нафақат талаба, балки ўқитувчиларнинг ҳам чуқурроқ ва жиддийроқ ёндашувлари таъминланса - бу ўзбек муסיқали театри келажаги учун фақат

фойда келтиради. Ана шунда “Мақсадга эришиш учун кураш йўлида сўз етмаганда – хўрсиниш, хўрсиниш етмаганда - куй ва кўшиқ, куй ва кўшиқ ҳам етмаганда - кўллар беихтиёр ҳаракатга келиб, оёқлар рақсга туша бошлайди,” деган тушунчани ўзбек муסיқали театр санъатига, ариянинг туғилиши жараёнига бемалол тадбиқ этса бўлади. Чунки муסיқали спектаклларда балетмейстер томонидан ария ва дуэтлар, умуман барча муסיқий номерларнинг пластик ечими топилар экан, бунга фақат рақс сифатида қараш мумкин эмас. Муסיқий спектакллардаги рақслар персонажлар ички ҳолатининг пластик ифодаси даражасига етиши зарур. Ана шундагина томошабин муסיқали театр санъатида трансформация жараёнлари мевасини кўриши ва ҳар бир спектаклдан тўлиқ эстетик завқ олиши мумкин.

Адабиётлар рўйхати

1. Икромов Ҳ. “Давр ва Театр.” – “Муסיқали театр: ташаббус ва ижро.” “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” нашриёти. –Тошкент. 2009 йил.
2. Турсунов Т.Т.ХХ аср Ўзбек театри тарихи(Дарслик-монография). –Тошкент: ”ART PRESS” Co.Ltd. 2010.
3. Ustanov, R. J. (2025). DRAMATIK VA MUSIQALI ETYUD USTIDA ISHLASH USLUBI. Inter education & global study, (2), 153-162.
4. Qudratov, O. (2024). MUSIQALI TEATR GUL TOJI, ARSHINMOLCHI. Oriental Art and Culture, 5(5), 274-278.
5. Muhammadiyev, S. (2025). MUSIQA MADANIYATI VA UNING HAYOTIMIZDAGI O ‘RNI. Oriental Art and Culture, 6(1), 222-226.